

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО



Научно-практической конференции с международным
участием на тему:

**“ Проблемы экологии и
экологического образования ”**

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

11-12 ноября 2022 года

Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан Бухарский
государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино



Научно-практической конференции с международным
участием на тему:

“ Проблемы экологии и экологического образования ”

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

11-12 ноября 2022 года

ОГЛАВЛЕНИЕ

1. Искандаров Г.И., Ромазова Л.Х., Искандарова Г.Т. НОВЫЕ ОТЕЧЕСТВЕННЫЕ ДЕФОЛНАНТЫ ХЛОПЧАТНИКА, РЕКОМЕНДУЕМЫЕ К ПРИМЕНЕНИЮ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКИСТАНА	11
2. Ромазова Л.Х., Искандаров Г.И., Искандарова Г.Т. ТОКСИКОЛОГИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА И РЕГЛАМЕНТИРОВАНИЕ ФУНГИЦИДА «ТЕТРА» В ОБЪЕКТАХ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТАХ	11
3. Башура Т.В., Балмашова Л.Л. АКТУАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ САНИТАРНО-ГИГИЕНИЧЕСКОГО ЛАБОРАТОРНОГО КОНТРОЛЯ	12
4. Султукова Олеся Леонидовна, Мамченко Ирина Владимировна ОЦЕНКА УРОВНЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО СТРЕССА У ГИГИЕНИСТОВ	13
5. ¹ Abduvaliyeva F.T., ² Azizova F.L. MAHALLIY SUV MANBALARINI MARKAZLASHTIRILGAN SUV TA'MINOTIDAGI ANAMGIYATI	14
6. Абдукадирова Л.К., Султонов Э.Ю., Насимов С.И. РЕНТГЕН НУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ НОСПЕЦИФИК ГИГИЕНИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ УРГАНИШ	15
7. Azimova M.Q., Mirzakarimova S.R., Soxibova G.YU. YO'RIQ IONLANTIRUVCHI NUR MAN'BALARI BILAN ISHLOVCHILAR NING NURLANISH XOLATI	16
8. Атамуратова Айшатриш Сапарбай кизи .. БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ГИГИЕНИК ТАЪСИФИ	17
9. Азимова М.К., Азимов А.М., Маликузин А.А. ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА	18
10. Амангалли М.А. ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОЖАЙНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР С ПОМОЩЬЮ ЭЛЕКТРОМАГНИТНОГО ПОЛЯ	19
11. Ashurova Maftuna Ortiq qizi HOZIRGI GLOBAL EKOLOGIK MUAMMOLAR ATROF MUNIT VA AHOLI SALOMATLIGIDA EKOLOGIK TURIZMNING O'RNI	20
12. Атамухамедова Масъуда Рахможамлова, Саидова Азиза Якубовна СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕНТИЛЯЦИИ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПОМЕЩЕНИЙ	22
13. Sattarova B. N., Aliyeva M. OZIQ-OVQAT QO'SHIMCHALARINI QO'LLASHDAGI MUAMMOLAR	23
14. Адилева Хамид Рахмонова, Ахмедова Забихисо. СУВ-ХАЁТ МАНБАИ ВА МУХИМ ЭКОЛОГИК ОМИЛ	24
15. Асадуллаев Ашар Норуллаевич ЭКОЛОГИК ОСОБИШТАТНИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ	26
16. Aslonova Naziba Muhammadovna, Sobirova Dilorom Bobirjon qizi CHO'L ZONASIDAGI TABIIY GEOGRAFIK JARAYONLARNING EKOLOGIYAGA TA'SIRI	27
17. Бободжонов Б.Р., Носирова А.Р. КЕКСА ЁШЛИЛАР ВА УЗОҚ ЯШОВЧИЛАРНИНГ ОБҚАТЛАНИШ ТИЗИМИНИ УЗНГА ХОСИЛЛАРИ	28
18. Zaripova Gulbahor Kamilovna, Salimova Dildora Bahodirovna Barcha o'quv yurtdarda voyaga yetmagan yoshlarni yetak inson sifatida shakllantirishga yo'naltirilgan tarbiyaviy ishlarni tashkil etish tizimi	29
19. Zaripova Gulbahor Kamilovna, Salimova Dildora Bahodirovna Voyaga yetmagan yoshlarda Vatanga bo'lgan mahabbatni "BIZ BUYUK YURT farzandlarimiz" shiori ostida shakllantirishning ma'naviy-salohiy tarbiyabandagi o'rni	31

Ozuqaviy qo'shimchalardan keng miqyosda foydalanish XIX asr oxirida boshlandi, aholi sonining o'sishi bilan, ularning shaharlarda zichlashuvi, an'anaviy oziq-ovqat texnologiyasini takomillashtirish lozimligi, maxsus mo'ljallangan mahsulotlarni yaratish bilan bog'langan. Ko'pgina yakka tartibdagi iste'molchilarda mavjud bo'lgan noto'g'ri fikrlarga qaramasdan kelib chiqish mumkin bo'lgan kasalliklarning o'tkirligi, sodir etilish tezligi va og'irligi bo'yicha ozuqaviy qo'shimchalarni minimal xavf-xatar tug'diruvchi moddalar katoriga qo'shish kerak.

Kurkuma - tabiiy sariq bo'yoq, ko'p yillik zanjabillar oilasiga mansub o'simlik. Suruma longa dan olinadi. Suvda yomon eriganligi sababli kurkuma spirtli eritma ko'rinishida ishlatiladi.

Kaliy nitriti va nitriti. Go'sht va go'sht mahsulotlariga ishlov berishda qizil rangni saqlab qolishda qo'llaniladi. Mioglobin-qizil bo'yoq nitritlar bilan ta'sir etganda nitrozomioglobin hosil qiladi va qaynatilganda o'zgarmaydi.

Kaliy nitriti ham shunga o'xshash ta'sir qiladi, u mikroorganizmlar tomonidan ajratilgan fermentlar yordamida kaliy nitritga aylanadi.

Hozirgi paytda nitritlar va nitratlardan foydalanish tibbiyot xodimlarining etiroziga sabab bo'lmoqda va tekshirishlarni talab qilmoqda.

Ozuqaviy bo'yoqlar. Oziq-ovqat mahsulotlarning tashqi ko'rinishini aniqlaydigan moddalar orasida oziqaviy bo'yoqlar muhim o'ringa ega. Iste'molchilar oziq-ovqat moddalarning ma'lum rangiga kunikma hosil qildilar, bunda ular mahsulot rangini uning sifati bilan bog'laydilar. Shu bilan bir vaqtda zamonaviy oziq-ovqat texnologiyasi sharoitida mahsulotlar ko'pincha o'zlarining dastlabki, iste'molchi uchun odatiy rangini o'zgartiradi, ayrim hollarda esa yoqimsiz rangga ega bo'ladi.

Masalan, CO_2 - *oltingugurt anhidridi*. H_2SO_3 ning eritmali va uning tuzlari oqartiruvchi va konservalovchi sifatida ta'sir qiladi. Bu sabzavotlar va mevalarning fermentativ qorayishini tormozlaydi, hamda melaoidinlarning hosil bo'lishini sekinlashtiradi.

Kaliy nitrit va nitriti. Go'sht va go'sht mahsulotlariga ishlov berishda (tuzlashda) qizil rangni saqlab qolish uchun qo'llaniladi. Mioglobin - qizil bo'yoq, nitritlar bilan o'zaro ta'sir etganda nitrozomioglobin hosil qiladi va qaynatilganda o'zgarmaydi.

Kaliy nitriti ham shunga o'xshash ta'sir qiladi, u mikroorganizmlar tomonidan ajratilgan fermentlar yordamida kaliy nitritga aylanadi. Hozirgi paytda nitritlar va nitratlardan foydalanish tibbiyot xodimlarining etiroziga sabab bo'lmoqda va tekshirishlarni talab qilmoqda.

Kaliy bromatini (KBrO) unni oqartiruvchi sifatida foydalaniladi, biroq undan foydalanish B, PP vitaminlarini va metioninni parchalanishiga olib keladi.

Ko'pgina oziq-ovqat qo'shimchalarining bitta yorliqqa joylashishi qiyin bo'lgan uzoq nomlari bo'lganligi sababli, Yevropa Ittifoqi qulaylik uchun maxsus yorliq tizimini ishlab chiqdi. Har bir oziq-ovqat qo'shimchasining nomi "E" bilan boshlandi. Bu harf "Yevropa" degan ma'noni anglatadi. Undan keyin ma'lum bir turga mansubligini ko'rsatadigan va ma'lum bir qo'shimchani ko'rsatadigan raqamlar ketma-ket kelishi kerak. Keyinchalik, tizim takomillashtirildi va keyinchalik xalqaro tasniflash uchun qabul qilindi va bizning mamlakatimizda ham qo'llanilib kelinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Q.X.Majidov, R.A. Maxmudov, Q.Y.U.Mahmudov, N.Q.Majidova Oziq-ovqat kimyosi va biokimyosi.
2. <https://xs.uz/uz/post/oziq-ovqat-khavfsizligini-taminlash-davr-talabi>

СУВ-ҲАЁТ МАНБАН ВА МУҲИМ ЭКОЛОГИК ОМЛИ

Ализова Ҳамид Раҳимовна, Аҳмедова Зебинисо.

Бухоро давлат университети

Сув — ҳаёт манбаи. Сувсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Сув инсон ҳаёти, тирикчилигимиз манбаидир. Одам оч қолиб бир неча кун яшashi мумкин, лекин сувсиз узоқ яшай олмайди. Кундалик ҳаётимизда ҳам сувнинг аҳамияти ва хизмати ниҳоятда катта. Атроф-муҳитнинг тозалиги, ҳавонинг мутадиллиги, ўсимининг орасталигимиз ҳам сув

туфайли. Шунинг учун ота-боболаримиз сувни муқаддас билиб, уни тежалшга катта эътибор берганлар. Биз ҳам бу анъаналарни давом эттириб, бир томчи сувни ҳам эҳтиёт қилиб ишлатишимиз керак. Баъзан кўчаларда сув оқиб ётганига кўзимиз тушади. Ичимлик сувини бундай исроф қилиш мумкин эмас. Ер юзида ичимлик суви камайиб бораётганлигини ҳеч ким эсдан чиқармасин. Сувни ҳамма тежаб ишлатсин. Ариқ ва анҳорларга чиқиндилар ташланмасин. Бебаҳо хазинамизни ҳамма авайлаб асрасин. Шунда ҳаётимиз фаровон, турмушимиз обод бўлади.

Сув-табиатнинг қимматбаҳо ресурси бўлиб биосферанинг мавжудлигини таъминловчи моддалар алмашишни жараёнларида ўта муҳим роль ўйнайди. Сувнинг қудратли кучи ҳақида академик В.И.Вернадский шундай ёзди: "Сув сайёрамизнинг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Ҳеч қандай табиий куч ўз таъсири бўйича энг асосий, энг қудратли, геологик жараёнларни тартибга солишда сув билан беллаша олмайди." Сув ҳар доим ва ҳар вақт биосферанинг муҳим қисмини ташкил этиб, инсонлар яшаш муҳитининг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ҳосилнинг онаси сувдир. Дон экинлари бир вегетация даврида тўхтовсиз сув ҳайдаётган насос сингари ҳар гектар ердаги тупроқ-грунтдан минглаб тонна сув тортиб олиб атмосферага беради. Бир гектар ердаги қарам учун 8000 тонна сув керак. Агар шунча сув бўлмаса унинг сифати ҳам кескин камайди.

Қишлоқ хўжалик экинлари орасида сувга энг талабчан экин гўза ҳисобланади. Бир гектар ердаги гўза учун бутун вегетация даврида 6-7 минг м³ сув зарур. 137 литр сув сарфлансагина бир кинограмм пахта олиш мумкин. Мўлжалланган пахта ҳосили олиш учун экинни суғоришнинг ўзингина кифоя қилмайди. Тупроқнинг мелноратив ҳолатини яхшилаш учун унинг шўрини ювиш ҳам талаб қилинади. Тупроқдаги шўрни ювиш учун ҳам чучук сув зарур. Республикаимиздаги пахта майдонларининг деярли 3 дан 1 қисми шўри ювиладиган ерлардир. Шўр ювиш учун сарфланадиган сув миқдори гектарига 10-12 минг м³ни ташкил этади.

Ўсимликларнинг ҳаётий жараёнларида сув кўйидаги вазифаларни бажаради: 1.Биокимёвий реакцияларнинг содир бўлиши учун асосий муҳит бўлиб ҳисобланади; 2.Кимёвий бирикма бўлганлиги учун муҳим реакцияларда: гидролиз, синтез, оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларида (фотосинтез, нафас олиш, минерал элементларни ўзлаштириш ва ҳоказолар) тўтридан-тўғри иштирок этади; 3.Ўсимликларни кучли иссиқлик таъсиридан сақлайди, улар ҳароратини пасайтиради (транспирация); 4.Ўсимликларнинг тупроқдан минерал элементларни олиши, унинг танасида ҳосил бўлган органик моддаларнинг ҳаракати ва қайта тақсимланиши ҳам сув ҳисобига содир бўлади.

Табиатда яшовчи ҳар бир ўсимлик узининг онтогенезида жуда кўп сув сарфлайди (асосан танаси орқали буғлатади). Умуман, ўсимлик орқали ўтган сув миқдорини 1000 қисм деб олсак, шундан 1,5-2 қисмигина органик моддаларининг ҳосил бўлишида иштирок этиб, қолган 998 ёки 998,5 қисми тана орқали буғланиб кетади. Ўсимлик ўз онтогенезида сарфлайдиган сув миқдорининг кўп ёки оз бўлиши иқлим шароитига ҳам боғлиқ. Масалан, иссиқ ва қуруқ иқлимда бу кўрсаткич сернам иқлимдагидан кўра 2-3 марта кўп бўлиши мумкин.

Ер юзасида тарқалган чучук сув захиралари 20-25 миллиард кишининг эҳтиёжини қондириш учун етарли бўлса-да, чучук сув етишмовчилиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатишмоқда. Бунинг асосий сабаби аҳоли сонини тез суръатларда ўсиб бораётганлиги, қуруқликда чучук сувларнинг бир қилда тарқалмаганлиги, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланаётганлигидир. Масалан, Марказий Осиё республикалари ҳудудида ҳам сув ресурслари бир қилда тақсимланмаган.

Сувларнинг йўқолиши ва уларнинг тозаллигини сақлаб қолишнинг муҳим талбирларига қуйидагилар кирди:

- Ҳудудларнинг сув билан таъминланганлигини ҳисобга олиб, экин турларини танлаш;



- Қишлоқ кўжалик маҳсулотларини етиштиришда ер усти ва ер ости сувларини инфосланишига йўл кўймаслик мақсадида ўғитлар ва пестицидлардан меъёрида фойдаланиш;
- Суғориш меъёрларини тартибга солиш;
- Сувларнинг ерларга ширмалиши, ҳавога парланиши натижасида рўй берадиган йўқотилиш ва самарасиз суғориш учун сарф-харажатларни камайтириш;
 - Тупроқ намлигини сақлашнинг энг ялғор усулларини қўллаш;
 - Суғоришнинг сувни тежовчи технологияларини, яъни импульсли, аэрозолли, тупроқ ости, томчилатиш ва бошқа усулларни амалиётта кенг жорий этиш орқали суғориш тизимларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

ЭКОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Асадуллаев Анвар Нарзуллаевич

Бухоро давлат университети

Табиатдаги ўзгаришлар, турли ҳодисалар инсоннинг ақлига, ҳиссиётига ва танасига кучли таъсир килади. Демак, табиат билан инсон ўртасида узлуksиз боғланишни ҳис қилган ҳолда табиатта бўлган муносабатда ҳар томонлама оқилона ёндашиш керак. Табиатда содир бўлаётган табиий фавкулотдаги ҳодисалар географик жойлашувига кўра қачон тирик мавжудотларга, ҳусусан инсонларга таъсир этиш жараёнлари мутахассислар оммонидан чуқур ўрганиб таҳлил қилинмоқда. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни кучайтириш натижасида табиий муҳитда ўзгаришлар содир бўлади. Табиатдан фойдаланиш тамойилларининг бузилиши нафақат атроф муҳитда ўзгаришларни содир бўлишига таъсир этмай балки жамиятда ҳам акс таъсир шаклланади. Бошқача қилиб айтганда жамият табиий бойликларидан қанчалик асосланган ҳолда фойдаланишига қараб шунчалик наф қўради. Бу жараёнда табиий муҳитда турли даражада вазият тарқиб топади. Ана шундай ҳолларда вуҷудга келган геозкологик вазиятларни ўрганиш амалий аҳамиятга эга. Жамиятда техносферанинг ривожланиши тирик мавжудотлар, ҳусусан инсонлар ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг таранглишига олиб келмоқда. Албатта, техносферанинг янгаралаб кетиши инсонлар эҳтиёжини қондириш, уларнинг яшаш турмуш-тарзини яхшилашга қаратилган. Бу эса турли кўринишдаги экологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Экологик муаммоларнинг кўпайиши инсон ва атроф муҳит ўртасидаги тизимдаги меъерий ҳолатларнинг издан чиқishiга олиб келмоқда.

Техносферанинг ривожланиши албатта, бу инсон эҳтиёжини яхшилашга қаратилган, лекин ундан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланиш, бунинг учун ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, табиий бойликлардан фойдаланишда раҳбарий ҳужжатларда кўрсатилган тартибларга амал қилиш муҳимдир.

Таъкидот маълумотларини кўрсатишча эрозия жараёнлари экологик муҳитни ёмонлашишига олиб келади, натижада ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва микроорганизмларнинг фаолияти учун зарур бўлган шароитлар кескин ёмонлашади. Ёгин-сочин билан сувнинг тупроқда сингиши қийин бўлганидан, тупроқ юзасида оқим кучайиб эрозия бошланади. Баҳорги ёгин-сочиннинг 60-70% оқиб чиқиб кетади, натижада эрозияланган тупроқларда нам захираси ниҳоятда кам тўпланади.

Ҳозирги вақтда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш баробарида, уларни бандлигини таъминлаш ҳам муҳимдир. Шу билан у жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, оқимини таъминлайди ҳамда мамлакатимизнинг ривожланишига хисса қўшган бўлади. Бунинг учун барча шароитлар яратилган.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳафсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида изчил